2006 ЙИЛ, 28 МАРТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 59 (10.616) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг якуний босқичи бошланди.

● Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги олдидан Шаҳрисабз шаҳрида «Темурийлар даври тарихи ва маданияти» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Москва—Нукус—Москва ҳаво йўли очилди. 23 март куни Москванинг «Внуково» аэропортидан парвоз қилган «Як-42» самолёти Нукус аэропортига келиб қўнди. Шу куни соат 15.50 да Нукусдан Москвага биринчи парвоз амалга оширилди.

● Хитойнинг «Тяньчен» миллий кимё-муҳандислик корпорациясининг бир гуруҳ мутахассислари Наманган вилоятида бўлди. Делегация раҳбари Янь Чуаньунинг маълум қилишича, компания ХХР давлат кредити ҳисобидан Наманганда оқава сувларни тозалаш бўйича қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг иншоотни барпо этиш ниятида.

● Миср Араб Республикасининг «Вади ал-жадид» («Янги водий») фольклор дастаси пойтахтимизга ташриф буюрди. Ушбу ижодий гастроль республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистондаги Миср маданий маркази билан ҳамкорликда уюштирилган.

● Боғот туманида «Коттонтех» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Йил охиригача корхонада ишчилар сони 200 нафарга етказилади.

● Наманган тумани Ирвадан қишлоғида вилоят болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди.

● Тошкентдаги «Elektron-xisoblagich» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасида жорий йилда 400 мингта электрон электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида хайрия юклари ортилган «Экосан» саломатлик поезди Хоразм вилоятининг Боғот туманига келди. Туман аҳолисига салкам ярим миллион сўмлик дори-дармонлар, шприцлар, санитария-гигиена воситалари топширилди.

● Самарқанд шаҳридаги қишлоқ хўжалик йўналишига ихтисослашган Агробизнес коллежининг 600 ўринга мўлжалланган янги биноси қуриб битказилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи етакчилари ҳамкорликда энергетика хавфсизлигини таъминлашни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлик қилишга келишдилар. Еврокомиссия президенти Жозе Мануэль Баррозунинг маълум қилишича, Брюсселда бўлиб ўтган саммитда ягона энергетика сиёсатини олиб бориш ғояси бир овоздан қўллаб-қувватланган.

● Шотландияда жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқловчи қонун кучга кирди. Эндиликда ким ушбу қонунни бузса, 87 доллар атрофида жарима тўлайди.

● «Би-Би-Си»нинг хабарига кўра Германиянинг Гамбург шаҳрида Airbus A380 самолёти синовдан ўтказилаётган пайтда ҳалокатга учраб, 33 киши турли даражада жароҳат олди.

● «Би-Би-Си» агентлигининг хабар беришича, Тбилисининг 5-сонли қамоқхонасидаги маҳбуслар кўтарган кўзғолонни бостириш пайтида бир неча одам ҳалок бўлган. Маҳбуслар қамоқхонадан оммавий қочиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилгандан сўнг қамоқхонага полиция махсус кучлари юборилган.

● Хитойнинг Сичуан вилоятининг Чунцин шаҳрида фавқулодда вазият юзага келди. Тоза ҳавога катта миқдорда газнинг оқиб чиқиши натижасида шаҳарнинг 10 мингдан зиёд аҳолиси зудлик билан ҳудуддан эвакуация қилинди. 2003 йил декабрь ойида Чунцин шаҳрида мана шундай ҳодиса юз берганлиги оқибатида 240 нафар фуқаро газдан бўғилиб ҳалок бўлган эди.

● 2006 йилда Женева автосалони бошқа йиллардаги каби концептуал автомобилларга сероб бўлди. Европалик ишлаб чиқарувчилар бундай машиналар орқали ўз моделлари қаторининг нечоғли тараққий этаётганини кўрсатишган бўлса, Америка, Япония ва Корея компаниялари «Эски дунё» бозорини забт этмоққа ҳозирлик кўришаётганига ишора қилишди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 29 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 15- 17 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ ОЛИМЛАРИЮ АКАДЕМИКЛАРНИНГ СЕРМАШАҚҚАТ, УЗОҚ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ДАВОМ ЭТАДИГАН ИЖОДИЙ, ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ЮРТИМИЗДАГИ ЖУДА КЎП СОҲАЛАРДА САМАРАЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Илмий лабораторияларда

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ





Мазкур институтнинг илмий лабораторияларида кўплаб тармоқлар — кон, металлургия соҳаси, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, тиббиётда микроорганизмларнинг экологик хилма хиллиги чуқур, ҳар томонлама ўрганилади. Айниқса, мустақиллигимиз шарофати билан олимларимиз нафақат лабораторияларда, балки ўз соҳаларига қараб олтин конларида, Олмалиқ, Навоий тоғ-металлургия комбинатларида, Қизилқумда бўлиб, илмий-тадқиқотларини ҳар томонлама ҳам илмий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб, уни ҳар томонлама бойитмоқдалар.

Биргина биологик илмий текшириш лабораторияси ходимлари халқ истеъмоли товарлари — озиқ-овқатлар таркибидаги фойдали дармондорилар микроэлементлар, гидролитик ферментлар мутаносиблигини илмий асослаб текширишади. Сув-кон лабораторияси илмий ходимларининг ишлари ҳам ўзига хос қизиқарли ҳамда машаққатли ҳисобланади.

Масалан, бирор кон — таркибида олтин заҳираси бор ерларда нафақат қимматбаҳо металл, балки уни ажратиб олгач, ўша тупроқ яна чуқур ўрганилиб, текширилади, яъни, таркибида бойитилган темир пигменти аниқланган тупроқ қурилиш индустриясида қўлланилса, кўп самара беришини тиниб-тинчимас олимларимиз айни Микробиология институтининг лабораторияларида синчиклаб аниқлаганлар.

Жумладан, илмий текшириш институтининг фундаментал тадқиқотлари самараси ўлароқ, ўтган йили Қизилқумдаги олтин конларидаги қайта ишланган тупроқнинг 100 минг тоннадан кўпроғи халқ хўжалиги учун фойдали бўлган микроэлементлар борлиги текшириб, илмий тасдиқланганлиги эътиборга лойиқ.

Сирасини айтганда, Фанлар академияси Микробиология институтининг етук олимлари, ёш, умидли бўлғуси етакчи мутахассислари юртимиз ландшафтини сақлаш, гидросферани тозалаш, табиатимиз мусаффолиги бузилишининг олдини олишда, атмосферамизни ифлосланишдан асрашда муносиб ҳиссалари борлигини эътироф этиш ўринли.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



СУРАТЛАРДА: Микробиология институтининг илмий лабораторияларида ўтказилаётган тадқиқотлар халқ хўжалигида яхши самаралар бермоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Наврўзи олам муносабати билан «Кўйлиқ ота» маҳалласида Миробод туман ҳокимлиги, Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган байрам тадбирида қатнашчилар баҳорий таомлар— сумалак, ҳалим лаззатидан баҳраманд бўлишди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 41-оилавий поликлиникада «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида шоира Саида Зуннунова таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий кеча «Миллий мерос — қадриятларимиз» деб номланди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги Шукур Бурҳонов маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида фаоллар, ёшлар иштирокида «Ёшлар — келажагимиз пойдевори» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни «Мустақиллик» маҳалласида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлимлари ҳамкорликларида Наврўз айёми муносабати билан ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамда Болалар ижодиёти уйи ҳамкорликларида ташкил этилган ёш дизайнерлар танлови ғолибларига сертификатлар, дипломлар топширилди.

● **БУГУН**дан Собир Раҳимов тумани маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида уюштирилаётган «Миллий ўйинлар» фестивали бошланади.

● **БУГУН** «Ташэлектрошит» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир Наврўз умумхалқ байрамига бағишланди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирда Маннон Уйғур маҳалласи фуқаролари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ — ДАВЛАТИМИЗ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2005 ЙИЛНИНГ 28 ЯНВАРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ, ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, БУ БОРАДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА БИТТА — У ҲАМ БЎЛСА, ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИДИР.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Минтақавий хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ташаббуслари» мавзуида ўтган семинар- тренингда шу ҳақда гап борди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, мутахассислар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А.Турсунов бошқарган анжуманда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафикка қарши курашда халқаро ҳамкорлик, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил этиш борасида ҳамда қатор бошқа йўналишларда Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар тўғрисидаги долзарб муаммолар бўйича маърузалар тингланди.

Жумладан, сўнгги вақтларда мамлакатимиз атрофида кучая бошлаган ҳамда турли шакл ва усулларда амалга оширилаётган ахборот тажовузларига алоҳида эътибор қаратилди. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси каби шиорлар остига яшириниган бундай ғаламисликлар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини бузиб кўрсатишдан, шу йўл билан ички ва ташқи сиёсатини миллий манфаатларига мос равишда олиб боришга интилаётган суверен давлатимизнинг ички ишларига аралашишга беҳуда уринишдан бошқа нарса эмас.

Шу боис мавжуд муаммоли масалаларни ҳал қилишда минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатларини жипслаштириш, янгича ёндошувларга асосланган қарашларни шакллантириш, ўзаро ҳамкорликда аниқ натижаларга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш зарур. Ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантириш, минтақада умумий бозорни шакллантириш борасида илгари сураётган ташаббусларининг алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг, минтақада яшаётган барча халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув- энергетика, транспорт- коммуникация, экологияга оид умумминтақавий масалаларни ечиш учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш борасидаги ташаббусларининг аҳамияти жуда муҳим эканлиги таъкидланди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИНТЕРНЕТ ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАМОАТ ТАЪЛИМ АХБОРОТ ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ЁШЛАР УЧУН МИЛЛИЙ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ,УЛАРНИНГ КАМОЛ ТОПИШИГА КЎМАКЛАШАДИГАН АХБОРОТДАН КЕНГ КЎЛАМДА ФОЙДАЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент ахборот-технологиялари университети, «info com.uz» ахборот-таҳлилий журнали, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар интернет фестивалини ўтказди.

Тадбирдан кўзланган мақсад юртимизда хотин-қизлар ҳаёти, фаолиятига оид миллий ахборот ресурслари яратишга яқиндан ёрдамлашиш, ахборот- технологиялари соҳасида изланаётган иқтидорли қизлар ва аёллар маълакасини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат. Мамлакатимиз хотин-қизлари ўртасида илк марта ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки юз нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Уларнинг ёши, касб-кори турлича экани эътиборга лойиқдир.

Фестивалнинг Тошкент ахборот-технологиялари университетида бўлиб ўтган якуний — республика босқичида бир неча номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Биринчи ўринга «Ўзбекистон хотин-қизларига бағишланган энг яхши веб-саҳифа» номинацияси бўйича пойтахтимиздаги 300-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нигора Умарова http://zulfiya.edunet.uz манзилидаги Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳаёти ва ижодиётига бағишланган адабий- безакли саҳифа учун, «Хотин-қизларнинг ахборот-технологиялари соҳасидаги ролига бағишланган энг яхши расм» номинацияси бўйича Қарши шаҳридаги Ахборот- технологиялари касб- ҳунар коллежи талабаси Искра Гатина http://connect.uz/img/proj/8-marta festival l.jpg манзилидаги «Ойдин кўзгу, айтгин-чи!» расми учун сазовор бўлди.

Бутунжаҳон ахборот тармоғидан энг тез маълумот йиғувчи «Интернет маликаси» номинацияси бўйича Андижон шаҳридаги Алоқа касб-ҳунар коллежи талабаси Азиза Мирсалимова, интернетдан касбий фаолиятда самарали фойдаланаётганлиги учун номинацияси бўйича Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабалари Нигора Бадалбоева, Нодира Абдурахмонова, Ибодат Сайидалиева, Севара Акбарова, Дилноза Қурбонова, Шоҳида Мадаминова, Зарифа Ҳакимова биринчи ўринга лойиқ топилди.

«Интернетдан пазандалик ва қўл ҳунарида энг яхши фойдаланувчи» номинацияси бўйича эса Фарғонанинг Учқўприк туманидаги 28- мактаб ўқитувчиси Чарос Йўлдошева, Наманган шаҳридаги 48-мактаб ўқитувчиси Ольга Абдузуннунова, Қаршидаги 34-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Фармонова, Нукусдаги 32- мактабнинг 9-синф ўқувчиси Настя Бучок , андижонлик фахрий Валентина Каримова ғолиб топилди.

Ғолибаларга ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ОДАМ ТЕЗ ЎРГАНАДИ, ДЕЙИШАДИ. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ АВТОБУС ЁКИ ЙЎНАЛИШ ТАКСИСИ ҚАЧОН КЕЛАР ЭКАН, ДЕБ СОАТГА ҚАРАШ ВА ИШГА КЕЧИКИШ ҲОЛАТЛАРИНИ УНУТДИ. БУГУН АВТОТРАНСПОРТ ҚАТЪИЙ ЖАДВАЛ БЎЙИЧА ЮРМОҚДА, УЛАРНИНГ СОНИ ҲАМ АНЧА КЎПАЙДИ, ОДАМЛАР БИЛАН ТЎЛА ДИҚҚИНАФАС АВТОБУСЛАР ҲАҚИДАГИ ЛАТИФАЛАР ҲАМ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТДИ.

ЙЎЛОВЧИ АВТОТРАНСПОРТИ: ХАВФСИЗЛИК ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Буларнинг ҳаммаси — аҳолиси 3 миллионга яқинлашаётган Тошкент шаҳрида транспорт хизматини яхшилаш борасида қилинаётган саъй- ҳаракатларнинг амалий натижаларидир. Автобус парки янгиланмоқда, сервис тармоғи йўлга қўйилган. Шаҳар йўловчи транспортининг янги доимий йўналишлари очилди. Метрополитеннинг Юнусобод йўналиши ишга туширилиши ҳам бу ишни енгиллаштирди.

Бундан ташқари, тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилиши хусусий ташувчилар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси фақат вақтни тежабгина қолмай, йўловчиларнинг хавфсизлигини ҳам оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, йўловчи ташиш соҳасидаги бундай ўзгаришлар бутун республика бўйлаб рўй бермоқда. Ҳаракатда бўлган автобуслар ва микроавтобуслар таркиби янгиланмоқда.

Охирги бир ярим- икки йил ичида шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларга қўшимча беш юздан ортиқ янги, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автобуслар қўйилди. Йўловчи йўналишларини жойлаштириш бўйича очиқ тендерлар ўтказилмоқда. Уларда мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташувчилар тенг шароитда рақобатлашмоқда.

Шунга қарамай, жамоат транспорти тизимига бозор механизмларини жорий этиш ишлари баъзида оқсамоқда ва бу жараён қўшимча ислоҳотлар ўтказишни талаб қилмоқда. Улар Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида, давлатимиз раҳбарининг 18 январь ва 28 февралдаги шу масалага тегишли иккита қарорида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 январдаги мақсадли қарорида аниқ белгилаб берилди.

Иқтисодиётнинг кўпгина бошқа тармоқларида бўлгани каби бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосларидан бири автокорхоналар мулкчилик шаклларини босқичма-босқич кенгайтириш ҳисобланади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясининг ҳуқуқий вориси бўлган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси шартнома асосида пойтахт йўловчи транспорти соҳасида ишлаётган хўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни бирлаштирди. Янги тузилманинг асосий вазифаси йўналишларда бир маромда ва ишончли ҳаракатни таъминлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ташишлар рентабеллигини оширишдир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида барча турдаги йўловчи транспортини лицензиялаш ва ҳаракатини мувофиқлаштириш департаментининг ташкил этилиши бу тизимни ислоҳ қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ҳокимиятнинг ушбу тузилмавий бўлинмаси йўналиш тармоғини бошқариш ва такомиллаштириш учун жавоб беради, шаҳарда йўловчи ташиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради, асосийси, қатъий тендер асосида лицензиялар бериш ва йўналишларни жойлаштириш бўйича катта ҳуқуққа эга. Шундай қилиб, рақобат муҳити шакллантирилмоқда ва ҳамма ташувчилар, шу жумладан хусусий ташувчилар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шароит яратилмоқда.

Департамент «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан биргаликда ҳаракатдаги таркибни янгилаш, харажатларни камайтириш ва йўловчи ташиш рентабеллигини оширишга бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Бу дастур зарар кўрмай ишлаш тамойилига босқичма-босқич ўтишни кўзда тутади. Бундан ташқари, уч йилга мўлжалланган йўловчи ташишларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу нафақат йўналишлардаги ҳаракатни, балки ҳар бир ҳайдовчи ишини аниқ мувофиқлаштириш имконини беради.

Транспорт одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиши лозим. Шубҳасиз, бундай қатновлар ҳам йўловчилар, ҳам пиёдалар учун хавфсиз бўлиши керак. Шу мақсадда қўшимча чоралар кўрилди.

Рейсдан олдин машиналарни техник кўрикдан, ҳайдовчиларни тиббий текширувдан ўтказиш талаблари кучайтирилди. Асосийси, бизни манзилга етказиб қўядиган автотранспорт воситасини инсофсиз, малакасиз одам бошқармаслиги керак. Айнан шу боис йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур. Бу пойтахтга ҳам, республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам бирдек тегишлидир.

Жорий йилнинг 9 мартида Президент Ислом Каримов «Автомобиль транспортида йўловчи ташишлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Ундан мақсад фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини оширишдир. Энди шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш ҳуқуқига фақат юридик шахслар эга бўлади. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига 2006 йил 1 июнгача бу соҳада ишлаётган ва корхона — юридик шахс ташкил этиб ўз фаолиятини давом эттириш ниятида бўлган шахсий тадбиркорларни тегишли равишда босқичма-босқич қайта рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг йўловчи ташиш учун илгари олган лицензияси 1 июнгача амал қилади. Савол туғилиши мумкин: олдиндан тўлаб қўйилган давлат божи нима бўлади? Шахсий тадбиркорлар ҳеч қандай зарар кўрмайди. Қарорда таъкидланганидек, юридик шахсни ташкил этаётган ташувчиларнинг лицензиялари амал қилиш муддатига мувофиқ тўланган пул янги лицензия карточкаси олишда бож эвазига ҳисоб қилиниши мумкин.

Агар хусусий тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришни истамаса, «амалга оширилмаган» божнинг қолган қисми унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қайта рўйхатдан ўтишни тезлаштириш мақсадида ундан тез ўтганларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Жумладан, йўловчиларни тижорий ташишга ихтисослашган автокорхона — юридик шахс, истисно тариқасида, 2006 йил 1 июнгача шахсий тадбиркорлар — жисмоний шахслар улуш сифатида киритадиган барча автотранспорт учун Республика йўл фондига мажбурий тўловни тўлашдан озод қилинади.

Йўловчи ташиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни бериш бўйича янги қоидалар қабул қилинишининг сабаби нимада? Юқорида таъкидланганидек, улар йўлларда хавфсизликни ошириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган. Шахсий тадбиркор — автотранспорт воситаси эгаси кундалик техник кўрикни, ўз вақтида ва сифатли таъмирни тўлиқ таъминлай оладими, унинг соғлиғи рулда ўтириш ва йўловчиларнинг ҳаёти учун жавобгар бўлишга имкон берадими? Тан олиш керакки, бу шартларга ҳар доим ҳам риоя этилавермайди. Корхона эса, иқтисодий барқарор объект, у нафақат автопарк, балки кўрсатилган иш ҳажмини бажариш учун зарур моддий, техник воситаларга эга. Юқорида тилга олинган ислоҳотларнинг амалга оширилиши транспорт хизмати соҳасини ривожлантириш, уларнинг ишончлилигини мустаҳкамлаш, айни пайтда мулкчилик шаклидан қатъи назар, бу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТМОҚДА

БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ, ШУ АСОСДА МАҲСУЛОТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА ИНТИЛИШ, АЛБАТТА, ҲАР БИР КОРХОНА ИСТИҚБОЛИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Бугунги кунда 700 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган «Малика» акциядорлик жамияти ҳам истиқболи йўлида интилаётган корхоналар сирасига киради. Корхонада айни кунларда янги моделларда яратилаётган катталар ва болалар трикотаж кийим-кечакларининг тури 75 хилдан ортиб кетди. 100 фоиз пахтадан тайёрланаётган болалар либосларининг ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топаётгани, айниқса қувонарлидир. Ушбу кийим-кечаклар иқлим шароити ҳамда болалар саломатлигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Айни даврда буюртмачи талаби ҳамда сифатли маҳсулот тайёрлаш биринчи ўринга қўйилгани боис ҳам мижозлар сафи кенгайиб бормоқда. Республика Божхона қўмитаси ходимлари ҳамда чегара қўшинлари учун кийим-кечаклар тайёрлашда ҳам асосий эътибор сифатга, харидор дид ва эҳтиёжига қаратилмоқда.

Хориж бозорига чиқиш, экспорт ҳажмини оширишга интилаётган тадбиркорлар яқинда Жанубий Корея давлати билан 100 минг долларлик трикотаж кийимлари етказиб бериш ҳақидаги шартномани имзолашди. Албатта, ушбу масъулиятли вазифани адо этиш уларни янада изланишга ундамоқда. Бунинг учун цехлардаги унумли ва замонавий технологик линиялар қувватидан, уста модельер-дизайнлар маҳоратидан самарали фойдаланилмоқда.

Корхона аҳлига яратилган қулай меҳнат, кўнгилдагидек дам олиш шароитлари, ижтимоий муҳофаза сифат ва самарадорликда муҳим омил бўлмоқда.

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

МАМЛАКАТИМИЗ ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ДАСТУРИГА МУВОФИҚ 2005-2008 ЙИЛЛАРДА ТИЗИМДА 90 ТАДАН ОРТИҚ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАНГАН БЎЛИБ, УЛАРДАН 7 ТАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА АМАЛДАГИ ИСБОТИНИ ТОПАДИ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анъанага кўра шулардан бир нечтаси Наврўзи олам шодиёнаси кунларида фойдаланишга топширилди. Улардан бири пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган «Тошкаятекстиль» қўшма корхонасидир.

Ушбу корхона «Ўзбекенгилсаноати» Давлат акциядорлик компанияси томонидан ишга туширилиб, Низом жамғармаси 24 миллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади. Айни вақтда 1200 нафар кишини иш билан таъминлайдиган ушбу қўшма корхонада 7 та цех Германиядан келтирилган замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, улардан 5 таси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, келгусида замонавий тўқув машиналари ҳамда пардозлаш фабрикасини очиш кўзда тутилган бўлиб, корхона тўлиқ ишга тушса 4000 ишчига эга бўлади.

Жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларнинг 60 фоизи хорижга экспорт қилиниб, мамлакатимизга валюта тушумини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шарофат БАҲРОМОВА

ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИЗЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА БУГУНГИ КУНДА «SIBUR» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР. ЧУНКИ КОРХОНАДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ХИЛМА ХИЛ САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА, ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Бозор ва харидор

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, сифатга қаратилган эътибор, харидор дид ва эҳтиёжи асосида яратилаётган салқин ичимликлар турларининг ортиши «SIBUR» тадбиркорларининг муваффақиятини таъминламоқдаки, ўтган қисқа давр мобайнида бир неча ишчи меҳнат қилган кичиккина цех эндиликда катта бир корхонага айланди. Айни кунларда эса корхонанинг Италия ва Польшадан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозланган учта ишлаб чиқариш цехида 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Фаолиятининг илк даврида 8 турдаги маҳсулот чиқарилган бўлса, бугунга келиб 28 хил салқин ичимликлар харидорларга тортиқ қилинмоқда. Харидор эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда улар бир ва бир ярим литрлик идишларда «SIBUR» ёрлиғи билан қадоқланмоқда.

— Аввало, тўғри ғоя танлаганимиз ва маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганимиз юксак самара бераётгани муваффақиятларимизда кўринмоқда, — дейди корхона директори Улуғбек Ҳаитов, — ўтган 5 йил мобайнида нафақат ишлаб чиқариш цехларимизни кенгайтирдик, балки замонавий офис, қулай шароитларга эга бўлган ошхона, талаблар даражасидаги омборхона, соғломлаштириш марказини ҳам ишга туширдик. Изланишларимиз самараси эса ютуқларимиз гарови бўлмоқдаки, 2003, 2004, 2005 йил якунига кўра «Ўзбекистонда йил якунлари» (Choise of the year in Uzbekistan») танловида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энг яхши салқин ичимлик» номинацияси ғолиблигини қўлга киритиб, медаллар билан тақдирландик. Ушбу рағбат, албатта, янада кўпроқ изланишга, янгиликлар яратишга, маҳсулот турларини кўпайтиришга ундамоқда.

Жорий йилни ҳам корхона аҳли янгилик билан бошлашди. Ёзнинг жазирама кунларида ҳар қандай салқин ичимликнинг энг аълоси, албатта совуқ чой бўлади. Ана шуни ҳисобга олган ишбилармонлар 0,6 литрлик пластмасса идишларда 6 турдаги совуқ чой ишлаб чиқаришмоқда. Хузурбахш ва мазали, экологик тоза «SIBUR» совуқ чойлари истеъмолчиларга энг яхши совға бўлади.

Албатта, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришга ахд қилган тадбиркор нафақат бир кун, ҳаттоки бирор дақиқа ҳам изланишдан, янгилик яратишдан чарчамайди. Негаки ана шу изланиш замирида янгилик туғилади, янгилик эса муваффақиятларга гаров бўлади. Шубҳасиз, бугунги бозорнинг талаби ҳам шу янгилик, харидоргир маҳсулот турларини яратиш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, истиқболга интилишдир.

«SIBUR» тадбиркорлари ҳам бу борада дадил одимламоқда. Маҳсулот турларини кўпайтириш, қадоқлашни яхши йўлга қўйиш мақсадида корхонага Италиядан янги линия келтириб ўрнатилди ва уни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ушбу линияда меҳнат қилувчи кадрлар ҳам тайёргарликдан ўтишди ва бу албатта, бир неча кишини иш билан таъминлаб, бандлик муаммосини ечишда муносиб ҳисса бўлади. Тайёрланаётган сувларнинг бир қисми эса Афғонистонга экспорт қилинади. Шунинг баробарида экспорт ҳажмини ошириш режаланган бўлиб, «SIBUR» шарбатлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Табиий шарбатларнинг замонавий техника ва технологиялар асосида тайёрланиб, 1 ҳамда 0,2 литрлик пакетларда қадоқланган турлари ҳам харидорлар талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бўлади.





Шу ўринда тадбиркорларнинг «Ташаббус — 2006» кўрик-танловидаги иштирокини ҳам таъкидлаш ўринли. Кўрик-танловнинг Сергели тумани боскичида «Энг яхши тадбиркор» деган шарафли номга сазовор бўлган корхона раҳбари Улуғбек Ҳаитов тадбирнинг пойтахт боскичида фахрли 2-ўрин соҳибига айланди. Тадбирга йиғилганларнинг барчаси корхонада тайёрланган яхна ичимликлардан баҳраманд бўлишди.

— Эришаётган муваффақиятларимизга замонавий ускуналар муҳим ҳисса қўшаётган бўлса, — дейди Улуғбек Ҳаитов, — энг асосий омил эса мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган эътибор бўлмоқда. Ўтган йилдаги Президентимизнинг қатор Фармонлари ва Қарорида кўзда тутилган имтиёз ҳамда кафолатлар, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш фаолиятимиз эркинлигини таъминламоқда, истиқболимизни яратишда кўмак бермоқда. Уларни ўз ишимизда унумли қўллаш, ижросига асосий эътиборни қаратган ҳолда қонуний фаолият кўрсатиш муваффақиятларимиз гарови бўлади. Энг муҳими эса иқтисодиётимиз равнақи йўлидаги изланишларимиз самарасини таъминлашимиздадир.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «SIBUR» салқин ичимликлари «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг ғолиблари қаторидан ўрин олди.

Наталья Семёнова олган суратлар

Санъат

ЯНГИ СИМФОНИК ДОСТОН

ТАНИҚЛИ БАСТАКОР АНОР НАЗАРОВ ЎЗИНИНГ ЖОЗИБАДОР МУСИҚА АСАРЛАРИ БИЛАН ТИНГЛОВЧИЛАР ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИБ КЕЛМОҚДА. УНИНГ "ИСТИҚБОЛ ВАЛЬСИ", "ЮРТ ҚАДРИ", "МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ" КАБИ ТАРОНАЛАРИ КЕНГ ОММАЛАШИБ КЕТДИ.

Бу изланувчан санъаткор мухлисларни хушнуд қилиш мақсадида қатор янги асарлар устида ишлади. Бастакор ўзининг навбатдаги симфоник достонини "Ипак йўли" деб номлади. Шарқона оҳангларга бой бу мусиқада санъаткорнинг ижодий салоҳияти яққол кўзга ташланди.

Халқаро мавзуда юзага келган янги асар ҳам Ўзбекистон Давлат консерваториясида барала янгради. Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ижро этган бу симфоник ораторияси Хиросима фожеаси ўз ифодасини топди.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КОНЦЕРТИ

УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР МУСИҚА ЛИЦЕЙИНИНГ ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИ ЯНГИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАДИЛАР.

Бу даргоҳнинг ўқувчилар симфоник оркестри томонидан ижро этиладиган концерти таниқли бастакор Сулаймон Юдаковнинг "Хоразм байрами" деб номланган асари билан бошланади.

Наврўз байрамига бағишланган мазкур мусиқали дастурдан машҳур Европа композиторлари асарларидан намуналар ҳам ўрин олди. Рихард Вагнернинг "Риенц" операсидан увертюра, Жорж Бизенинг сюитаси ҳам истеъдодли ёш мусиқачилар ижросида янгради.

САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ. НАТИЖАДА ТАСВИРИЙ МУСИҚА ТЕАТРИ КАБИ САНЪАТ ТУРЛАРИ ОРҚАЛИ КЎПЛАБ АСАРЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ.

Ана шундай ижодий жараёнларда фаоллик кўрсатган таниқли санъаткорлар тўғрисида туркум ҳужжатли фильмларни суратга олишга киришилди. Ўзбекистон миллий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси саъй-ҳаракати билан бундай режа амалга оширилмоқда.

Театр санъатида томошабинларга яхши танилган Саодат Қобулова, Яйра Абдуллаевалар ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар яқин орада экранларга чиқарилади.

Анвар ҒАНИЕВ

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИЯТИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ШУ КУННИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИГА— ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ТЕКШИРУВЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ, УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА АСОССИЗ АРАЛАШУВЛАРИГА ЧЕК ҚЎЙИШ, ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИШ, СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР.

Фармон ва ижро

ТЕКШИРИШЛАР ҚИСҚАРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шулар жумласидандир. Ушбу фармон ижросини бажаришни таъминлаш мақсадида жойларда талайгина ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан 2005 йил 1 ноябрь назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши Собир Раҳимов тўман ҳудудий комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди. Фармон талаблари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан таҳлил олиб борувчи туман ҳудудий комиссияси қошидаги Жамоатчилик кенгаши тасдиқланди. Эндиликда ушбу комиссия томонидан намунавий дастур ишлаб чиқилди ва унинг ижроси назоратга олинган.

Мазкур Фармонда белгилаб берилган янги меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини тушуниш ва тарғиб этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари иштирокида 3 маротаба семинар -йиғилиш ўтказилиб, уларда 500 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бундан ташқари туман давлат солиқ инспекцияси, прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш департаменти, статистика ва молия бўлимлари, туман ахборот-маслаҳат маркази томонидан ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари тадбиркорлар учун ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Туман назорат органлари, текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар Фармон талаблари тўғрисида шахсий жавобгарликларини ошириш бўйича нотўғри текширув ўтказган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилди.

Шу билан бир қаторда олиб борилган текшириш натижалари шуларни кўрсатадики, 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1285 та тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, 478 та юридик, 807 та жисмоний шахслар рўйхатдан ўтган бўлса, 2005 йилнинг якунлари бўйича 2287 та тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан 868 та юридик, 1419 та жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказилди. Ўз навбатида туман бўйича умумий маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши 2004 йил якунлари бўйича 55,6 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунлари бўйича 63,5 фоизга тенг бўлди.

Ўтган йил тўртинчи чорак учун 113 та тадбиркорлик субъектлари текширув жадвалига киритилган бўлса, Фармон талабларининг ижросини таъминлаш юзасидан ушбу режа қайта кўриб чиқилиб,39 та хўжалик юритувчи субъектлар режа-жадвалидан чиқарилиб, 75 та хўжалик юритувчи субъектлар қолдирилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун туманда бу борада ибратли ишларга замин ҳозирланган. Эришилажак ютуқлар эса ҳали олдинда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Афина нишонлари

АФИНАДАН ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ БИЛАН

АФИНАДА КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ СУСТ БЎЛГАН БОЛАЛАР РАСМЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

У Халқаро болалар расмлари кўргазмаси маркази ҳамда Греция соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Мазкур халқаро кўргазмага дунёнинг 13 мамлакати – Болгария, Германия, Голландия, Греция, Дания, Исроил, Эрон, Испания, Янги Зеландия, Польша, Сурия, Япония ва Ўзбекистон ёш рассомларининг ижод намуналари қўйилган.

Мамлакатимизнинг уч нафар вакили, «СанВикт» ногирон болаларнинг Тошкент бадиий маркази ёш ижодкорлари – Гавҳар Абдуазимова, Гулчеҳра Худоёрова ҳамда Бобур Мадумаров ижоди Афина халқаро кўргазмасининг дипломи ва эсдалик нишонлари билан тақдирланди.

«Жаҳон» АА

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ КОРЕЙС ФИЛОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ ТОМОНИДАН «КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНИ»ГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎзДЖТУ проректори Н.Ортиқов ва KOICA ташкилоти ходими университетнинг собиқ битирувчиси Пак Владимир талабаларга Корея давлатининг урф-одатлари, миллий маросимлари ҳақида тўлиқ маълумот бердилар.

Тадбирнинг бадиий қисмини инглиз филологияси ва таржимонлик факультетлари талабалари корейс миллий рақс ва қўшиқлари билан бошлаб беришди. Нотиқлик санъати бўйича корейс тилини ўрганаётган талабалар ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар. Танловда иштирок этган 6 нафар талабанинг қизиқарли маърузалари кореялик ҳакамлар томонидан кўриб чиқилиб ғолиблар аниқланди.

Тадбирлар

КОРЕЙС МАДАНИЯТИ КУНИ

Шунингдек, халқаро журналистика факультети корейс гуруҳи талабалари «Олтин ва кумуш болта» эртагининг корейс тилидаги талқинини саҳналаштириб, тадбир меҳмонларининг олқишларига сазовор бўлдилар.

Тадбир сўнгида Халқаро журналистика факультети талабалари Зилола Абилова ва Соҳиба Чанчарова ҳамда инглиз филологияси факультети талабаси Имом Муҳиддинов KOICA ташкилоти томонидан таъсис этилган имтиёзли стипендия соҳиблари деб топилди.

— Университетимизда «Корея маданияти куни» биринчи маротаба ўтказилаётган бўлса-да, барча талабалар фаол иштирок этишди, — дейди ғолиб бўлган талаба, халқаро журналистика факультети 4-босқич талабаси Соҳиба Чанчарова дил сўзларини изҳор этиб. — Корейс тилини мукаммал билиш учун фақат тил ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, унинг маданияти, урф-одати ва анъаналарини ҳам билишни зарур деб ҳисоблайман. Бугунги тадбир жудаям қувончли бўлди, чунки имтиёзли стипендия соҳибаси деб топилдим. Бу менга жуда катта масъулият юклайди. Мен бу ишончни оқлаш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Ғолибларни корейс филологияси кафедраси мудири Юлия Тен табриклади ва талабалар ижросидаги корейс миллий қўшиғи тадбирга якун ясади.

Ирода ХАЙРИДДИНОВА

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ, БАРЧА ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛМОҚДА.

Тақдимот

ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш йўлида белгиланган барча вазифалар ижросини таъминлаб келаётган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ҳам бу борада хайрли юмушлар амалга оширилиб келинмоқда. Яъни анъанавий тарзда шаҳримиздаги олий ўқув юртлари ва коллежларда таҳсил олаётган энг иқтидорли, аълочи, жамоат ишларида фаол бўлган талаба-ёшларга бирлашма стипендияси ажратилиб, рағбатлантирилиб келинмоқда.

Куни кеча стипендияга муносиб деб топилган бир гуруҳ ёшларга Низом талабларига мувофиқ «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши стипендианти» гувоҳномаси катта тантана билан топширилди. Энди улар олти ой мобайнида ўзлари таҳсил олаётган ўқув муассасасида белгиланган ойлик стипендия миқдоридан эллик фоиз ортиқ миқдордаги стипендияни оладилар. Шунингдек, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган аълочи талабаларга бирлашма Кенгашининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.



Ёшларни касаба уюшмалари ҳаракати, жамоатчилик ишига жалб этиш каби эзгу ниятлар кўзланган ушбу тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов талаба-ёшларни табриклаб, ўқиш ва ишларида муваффақият ва келажакда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишларига тилак билдирди.

— Ушбу эътибор учун катта раҳмат, — деди тадбирда сўз олган Ислом университетининг 2-курс талабаси Жамшид Таджибаев. — Бизга билдирилган юксак ишончни янада яхшироқ ўқиш билан оқлаб, келажакда мустақил юртимизнинг ривожланишига муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.





НАВРЎЗ НАШИДАСИДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

НАВРЎЗ ТАБИАТНИНГ УЙҒОНИШИ, ЯШАРИШИ ВА ПОКЛАНИШИ БИЛАН БИРГА ХАЙРУ САХОВАТ, МЕҲР-МУРУВВАТ, ЭЗГУЛИК БАЙРАМИДИР. АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. БЕМОРЛАР, КЕКСАЛАР, ХАСТА КЎНГИЛЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНИБ, МУРУВВАТ ЁРДАМЛАРИ КЎРСАТИЛМОҚДА.

Куни кеча Яккасарой туманидаги «Туркистон» маҳалласида эрта тонгдан карнай-сурнай наволари янграб, маҳалла аҳлини Наврўз айёми тадбирига чорлади. Наврўз таомлари билан безалган тўкин дастурхон атрофига маҳалладаги табаррук отахон ва онахонлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар, кўмакка муҳтож инсонлардан иборат 250 дан ортиқ аҳоли таклиф қилиниб, ош тарқатилди. Маҳалла аҳли дастурхондаги Наврўз неъматлари бўлган сумалагу кўк сомса, варақилардан тотиб, дилдан суҳбат қуриб кўнгиллари хушнуд бўлди. Тумандаги маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросидаги дилтортар қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар йиғилганлар қалбига бир олам завқ, қувонч бағишлади.

— Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховатга йўғрилган Наврўз айёми ҳаммамиз учун қадрлидир,—дейди «Туркистон» маҳалласининг оқсоқоли Маъруф Атҳамов.— Наврўз байрами арафасида умумхалқ ҳашарида маҳалламизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Мавжуд кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари таъмирланди. Маҳалламизда ҳозирги кунда турли миллат вакилларидан иборат 6200 аҳоли тотув ва аҳил, баҳамжиҳатликда яшайдилар. Наврўз айёми муносабати билан маҳалламизда истиқомат қилувчи 50 та кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, кўнгли ўксик инсонларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат мурувват ёрдами кўрсатилди. 18 нафар ногирон оилаларга ҳомийлар томонидан кийим-кечаклар тарқатилди. Беморлар ҳолидан хабар олинди. Албатта, халқимизга хос бундай хайру саховат, бағрикенглик, меҳр-мурувват сингари инсоний фазилатларимиз, азалий қадриятларимиз бебаҳодир. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат,саховат сингари фазилатларимизни ёш авлод онгига сингдириш ва давом эттиришдир.

Маҳалла гузарида бўлиб ўтган Наврўз шодиёнаси шу куни кечга қадар давом этиб, маҳалладошларнинг кўнгиллари шодликка тўлди. Кексалар, айниқса мамнун бўлиб, дуога қўл очиб, шундай дориломон кунларга етганларига шукроналар келтиришди, элимизга тинчлик, халқимизга омонлик тилаб эзгу ниятларини изҳор қилдилар.



Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Яккасарой туманидаги «Туркистон» маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз байрами тадбиридан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Таълим

УСТОЗЛАР ТАЖРИБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎТКАЗИЛГАН "ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ" КЎРИК-ТАНЛОВИ МЕҲРИБОН УСТОЗЛАРГА БИЛДИРИЛГАН ИЗЗАТ-ИКРОМ ИФОДАСИ БЎЛДИ.

Бу тадбир олий ўқув юртида таълим сифатини янада яхшилаш, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги самимий алоқаларни мустаҳкамлаш рамзи сифатида кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Ўзаро баҳслар давомида уюштирилган танлов кутилган натижани берди. Ўз билим ва маҳоратини намоён этган педагоглар беллашувида уч нафар моҳир ўқитувчи ғолиб деб топилди. Француз тили фанидан талабаларга пухта билим бериб келаётган бу устозлар бой тажрибасини оммалаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИГА СОВҒА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "КОРЕЯ ТЕЛЕКОМ" КОМПАНИЯСИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎРТАСИДА ЯҚИН АЛОҚА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА СЕУЛ ШАҲАР ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҲАМ ШУ САЪЙ-ҲАРАКАТ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Кореянинг телекоммуникацион давлат агентлиги бўлиб ҳисобланган "Корея телеком" компанияси яна бир хайрия тадбирини амалга оширди.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларига беғараз ёрдам тариқасида шахсий компьютерлардан 100 таси республикамизга келтирилди. Бу совға "ақл"ли қурилмалар информатика фани ўқитувчиларига берилади.

Мазкур хайрия тадбири мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилди.

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ "УЧИШ АППАРАТЛАРИ ВА АЭРОПОРТЛАРНИНГ РАДИО ЭЛЕКТРОН ЖИҲОЗЛАРИ" КАФЕДРАСИ ЙИРИК ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ. БУ ЕРДА ИХТИСОСЛИКЛАРГА ДОИР БАРЧА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДА ҲАМ ТАЖРИБА ОРТТИРИЛДИ.

Кафедранинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиа компаниясига қарашли корхоналар билан ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Амалий машғулотларни ўтиш учун бу корхоналарнинг тажрибали мутахассислари таклиф этилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Тошкент Давлат техника университети олимлари ҳам бу борада ўз амалий ёрдамларини аямаётирлар.

Олий ўқув юртининг Қозоғистон фуқаролар авиация академияси билан яқин алоқаси кафедра ўқитувчиларини мукаммал дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзаро келишувга биноан кафедра яқинда яна кўплаб ўқув адабиётларига эга бўлди.

МАНБАЛАРГА БОЙ

ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ЎРТА УМУМТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ПЕДАГОГЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВЧИ-ТАЛАБАЛАРИ ЯНА БИР ЯНГИ ҚЎЛЛАНМАГА ЭГА БЎЛДИЛАР. "ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ" ДЕБ НОМЛАНГАН БУ ЎҚУВ АДАБИЁТИДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ.

Экологик-иқтисодий ва экологик-ижтимоий жиҳатлари ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир маълумотлар мисоллар асосида ёритилди. Янги қўлланмага илова қилинган атама ва иборалар экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш жараёнларини янада тўлароқ ўзлаштириш имконини беради.

Амалий машғулотлар номлари ҳам кенг таҳлил қилинганлиги қўлланманинг услубий аҳамиятини оширган.

ЖУРНАЛИСТИКАДАН ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

ЖУРНАЛИСТИКА ФАНИ ЙЎНАЛИШИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУ БОРАДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛАЁТГАНИНИ АЙТИБ ЎТИШ ЖОИЗДИР.

Олий ўқув юрти бўлажак журналистларга қўлланма сифатида яна бир китобни босмага тайёрлашга бош қўшди.

"Оммавий ахборот воситалари: тил, услуб, маҳорат" деб номланган мазкур ўқув адабиёти кўп нусхада чоп этилди. Россия педагогика ва ижтимоий фанлар академиясининг мухбир аъзоси Давлатбек Саъдуллаев ана шу буюртма асосида иш кўриб, мазкур қўлланмани яратди.

Ундан "Тилнинг ижтимоий моҳияти", "Журналистик нутқ маданияти", "Тил ва оммавий ахборот воситалари" каби боблар ўрин олди.

Акбар АЛИЕВ

ҚОНУН — БАРЧАГА БАРОБАР

УНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОЛИ СЎЛИМ БАҲОР КЕЛИШИ БИЛАН ЯНАДА ЎЗГАЧА ФАЙЗ ВА ЧИРОЙ КАСБ ЭТДИ. ОСМОНЎПАР БИНОЛАР, ЯМ-ЯШИЛ ХИЁБОНЛАР, СЕРҚАТНОВ КЎЧАЛАРУ ФАЙЗЛИ САЙИЛГОҲЛАР ҲУСНИГА БОҚИБ ТЎЙМАЙСИЗ.

Мустақиллик йилларида бунёд этилган ва ўз кўркини намоён этаётган муҳташам иморатлар, мустаҳкам кўприклар, равон йўллар, замонавий турар жой бинолари, энг юксак талабларга жавоб берадиган тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар пойтахтимизнинг бир чиройига ўн чирой бағишлаётганини нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда.

Кейинги йилларда кўп қаватли турар жой биноларини обод этиш, у ерда яшовчи аҳоли учун ҳар томонлама қулай шароитларни яратиш, хонадон эгаларида мулкдорлик ҳиссини шакллантириш бўйича ибратли ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда коммунал соҳага оид бошқа қатор қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қарорлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, шаҳримизда ва унинг туманларида уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари тузилди. Ширкатларга қарашли уйлар сонининг ихчамлашуви эса кўп қаватли уйларда яшовчилар учун алоҳида қулайликлар яратишда, керакли хизматларни бекаму кўст бажаришда муҳим омил бўлди, аҳолининг ўзи яшаётган ҳудуд ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарадорлигини таъминлади. Режа асосида кўп қаватли уйларнинг анчасида капитал таъмирлаш ишлари бажарилди ва ҳозирда давом эттирилмоқда. Бинолар ҳуснига доғ тушириб, кўпчиликнинг асабига тегаётган ўзбошимча қурилмалар бартараф этилмоқда.

Албатта, олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижаси ўлароқ шаҳримиз қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётгани кишини қувонтирмай иложи йўқ. Бунда ҳар биримизнинг баҳоли қудрат ҳиссамиз борлигини ҳис этиш эса қалбларимизни ғурурга тўлдиради. Эндиликда ҳар бир кўча ва хиёбон, ҳар бир ҳовли ва майдоннинг саранжом-саришта, кўрган одамнинг баҳри-дили очиладиган масканга айланишига эришиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолгани бежиз эмас.

Шундай бир шароитда баъзан ғашга тегадиган, виждонимизни қийнайдиган ҳолатларнинг учраб туриши кишини ранжитади. Қандайдир лоқайдлик, бефарқлик, жамият, жамоатчилик олдида масъулиятсизлик кўринишларига дуч келишдан қалбимиз оғрийди.

Узоққа бормай, у ер-бу ерларда ҳамон пойтахтимиз кўркига доғ бўлиб турган, ўзбошимчалик билан қурилган пастқам қурилмаларни олайлик. Улар шаҳарнинг умумий кўркига путур етказибгина қолмай, маҳалла аҳли, қўни-қўшнилар, шаҳримиз фуқароларининг ҳам асабига тегади, ҳафсаласини пир қилади.

Яна бундай антиқа «кошона»ларнинг эгалари қўни-қўшниларнинг ҳаловатини, тинчини бузаётганларидан ҳеч хижолат тортмай, кеккайиб юришади. Бу ҳам етмагандай улар маҳалла, жамоатчилик фикри, расмий идораларнинг кетма-кет огоҳлантиришларини писанд қилишмайди ҳам.

Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 103-уй, 58-хонадонда рўйхатдан ўтмасдан яшовчи (доимий яшаш жойи — Қибрай тумани, Абай кўчаси, 3-уй) Рихсибиби Исмоилова ҳеч қандай ҳужжатларга эга бўлмаган ҳолда, шунинг баробарида қўни-қўшниларининг эътирозларини ҳам назарига илмай, кўп қаватли уй эгаларининг умумий мулки ҳисобланган жойда, яъни архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузиб, ноқонуний қурилишни амалга оширган.

— Кўп қаватли уйимизга сўгалдек ёпиштириб қурилган ушбу иморатдан қўни-қўшнилар кўп бора норози бўлишган, — дейди уйнинг 61-хонадонида яшовчи Раъно Ўролова, — лекин у киши мутасадди ташкилотлар билан ҳисоблашмаган.

— Барчамизга маълум, кўп қаватли уйлар ёзда исиб кетади, — дейди 64-хонадон соҳиби Мақсуд Бобожонов, — бунинг устига ҳеч қандай очиқ жой қолдирмасдан уйингизнинг тагида қурилган «ўзига хос» қаҳвахонадан чиққан газ ҳиди, ёғ ҳиди, иссиқ ҳавога чидашнинг ўзи бўлмайди. Ахир бу ўша йўлакда яшаётган мулкдорларнинг умумий мулки-ку. Барча қўни-қўшнилар маслаҳатлашиб, салқин берувчи, ҳавони тозаловчи дарахтлар эксак, гулзорлар ташкил этсак фойдали эмасми? Уйимиз атрофида ҳар хил дўконлар ҳам, овқатланиш шохобчалари ҳам керагидан ортиқ борку...

— Р.Исмоилова ўзи яшаб турган уйни турар жойдан нотурар жойга ўтказган, — дейди туман архитектори Олимжон Ёқубжонов, — ва тегишли ҳужжатларга эга. Лекин уйдан ташқари ҳудуд умумий фойдаланиш майдони ҳисобланган учун ҳам унинг ҳозирги хатти-ҳаракати ноқонуний ҳисобланади. Ушбу ўзбошимчалик аниқланган, бир неча бор ёзма ва оғзаки огоҳлантиришлар берилди. Аммо буларнинг барчаси самарасиз бўлди. Шу боис ҳам унга нисбатан қонун доирасида чора кўришга мажбур бўлдик...

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди шаҳар ҳокимлиги Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг жавобгар Рихсибиби Исмоиловага нисбатан ўзбошимча қурилмани бузиб ташлаш ҳақидаги даъвоси бўйича 1-5309/05 сонли фуқаролик ишини кўриб чиқди. Унга кўра суд қуйидагиларни аниқлаганини маълум қилади: ҳақиқатан ҳам жавобгар ўзбошимча равишда, рухсат олмасдан, қурилиш меъёрларига амал қилмаган ҳолда уй олдида қаҳвахона қурган. Муқаддам Р.Исмоилова амалга оширилган қурилиш бўйича маъмурий тартибда жавобгарликка тортилган. Шунга қарамай, у ўзбошимчалик билан қурган иморатини бузиб ташламаган.

Бу ҳам етмаганидек, жавобгар тегишли равишда хабар етказилганига қарамай, суд мажлисига келмаган. Лекин республика ФПКнинг 224-моддасига асосан суд даъвогар вакилининг розилиги билан ишни сиртдан, яъни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди. Суд даъвогар баёнотини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб юқоридагиларга асосан ва республика ФКнинг 212-, ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб даъвони қаноатлантирувчи қарор қабул қилди. Унга кўра жавобгар Р.Исмоилова томонидан ўзбошимчалик билан қурилган қаҳвахона жавобгар ҳисобидан бузиб ташланиши белгиланди.

Мазкур қарор 2005 йилнинг 11 ноябрида қабул қилинганига ва 20 кундан кейин кучга киришига қарамай бажарилмади. Орадан ўтган 3 ой давомида ушбу қарорга жавобгар нописандлик билан қараб келди.

Юқоридагилар ҳақида ўйлар экансан, шунчалик ҳам лоқайдлик бўларканми, дея таажжубдан ёқа ушлайсан, киши. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй фикрини инобатга олмаган, мутасадди идораларнинг огоҳлантиришларини писанд қилмаган Рихсибиби Исмоилова ҳатто суд ҳукмини ижро этишни ҳам хоҳламай, ўзларинг қилавер, деб ташлаб қўйганига нима дейсиз?

Туман судининг маълумотига кўра буюртма хат орқали ўзбошимчалик билан қурилган бинони 5 кун ичида бузиб ташлаш ҳақида хат жўнатилган. Аммо унга ҳеч қандай жавоб бўлмаган. Р.Исмоилованинг ўзини эса топиб бўлмади.

— Натижада, — дейди суд ижрочиси Азамат Худоёров, — ижрони ўзимиз таъминлашга мажбур бўлдик. Шунинг учун ҳам ушбу ноқонуний қурилиш тумандаги «Олтин Чўлпон-I» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан бузиб ташланди. Бузишга кетган 1.112.081 сўмлик харажатлар эса жавобгар Р.Исмоиловадан ундириладиган бўлди.

Бежизга «Ўзбошимча иш — келтирар ташвиш» дейишмайди донолар. Ҳар бир жойнинг, ҳар қарич ернинг ўз эгаси бор. Ундан ноқонуний фойдаланиш, ўзбошимчалик билан ўзлаштириб, бировларга зарар етказиш, пойтахтимиз ҳуснига доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки шаҳар бедарвоза эмас.

Биргина фуқаронинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёнатрофдагиларни, маҳалла аҳлини, мутасадди ташкилотларни овора қилди. Пировардида ҳақ қарор топди. Зеро қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, чунки у барча учун баробар.

Баҳром ЭРМАТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси,
Шарифа ИЛЁСОВА,
журналист

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

То кажлик ила бўйла мадор этти фалак,
Бераҳмлик ишини шиор этти фалак.
Нодонни азиз ҳам мукаррам айлаб,
Доно кишиларни асру хор этти фалак.

ТОЛИБИЙ

Аристатолис ниҳоятда қариб ва букчайиб қолганда, ҳаётининг гулзорида ҳам хазон мавсуми бошланганди ва ўлим элчиси хавфу хатар солиб турганда мусиқа илмини ўрганишга киришди. Дўстларидан бири унга: «Гўру кафан ҳақида ўйлаш лозим бўлган бир пайтда, танбур чертишдан уялмайсанми?» деди. Байт:

Ўқишу ўрганиш ёшларнинг иши,
Кексаларга созу тараб ярашмас!

Ҳаким унга: «Билмаслик оғир айбдир. Ана шундан уялиш керак», —деди.

Нодонсевар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фиғон ила бир томон кетай.

БАЁНИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир доно киши бор эди. У камбағаллик кўйига тушиб қолиб, бир мартабали одамнинг уйига ўғирликка тушди. Қараса, уй эгаси қимматбаҳо матолар устида ухлаб ётар, атрофида эса турли хил бойликлар ястаниб турарди. Доно кишининг кўзи мартабали одамнинг устида қилич ушлаб турган маймунга тушди. Маймун ўргатилган бўлиб, шу онда ўз соҳибининг юзида кетаётган чумолини қилич билан уриб ўлдиришга шайланиб турган эди. Буни кўрган доно киши чопиб бориб, маймуннинг қўлидан тутиб қолди. Уй соҳиби шарпадан уйғониб кетиб, воқеадан хабар топди:

Эй чархи фалак, замонайи дунпарвар,
Тескари юришинг тўғрига хатар:
Нодон бош устидаю, доно поймол,
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

Паҳлавон МАҲМУД

Ўзича хулоса чиқариб деди: «Кишига толеъ кулиб боқса ўғри унинг учун посбонга айланади, душман эса меҳрибон дўстга!» Байт:

Дўстинг бўлса агар беақл, нодон,
Ундан оқил душман яхши минг чандон!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ҳар нечук нодон табибдан сўрма
дардингга даво,
Излагил ҳозиқ табиб, дардингга
дармондан тила.

ҲУВАЙДО

Сардорлар ўлди бехирадлар,
Ақл аҳли юраги тўлди қона.

БАЁНИЙ

Дониш ила мен топиб мулки маонига даст,
Буғз қилур аён аҳли жаҳолат манга.

МУНИС

Аларки муддаи норасону дундурлар,
Мудом аҳли хирад онда забундирлар.

НОДИРА

Нодон одамдан алоқани узиш— ақлли одам билан алоқа қилишга баробар:

Нодон суҳбатидан айласанг ҳазар,
Вужудингга асло етмагай зарар!

«ОТАЛАР сўзи»

Доно билан зиндон ичида хуррам,
Нодон билан ҳатто бўстон жаҳаннам!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Жаҳолат аҳлига ҳаргиз қўшилма, то тириксан,
Жаҳолат аҳлидин минг йўл фузундир
мисли ҳирсу ит.

ОРАЗИЙ

Аҳмоққа салом берсанг, мендан қўрқаяпти деб ўйлайди.

Аҳмоқнинг юраги оғзида, ақлли одамнинг тили эса юрагида бўлади.

«ОТАЛАР сўзи»

Шўбон бўлмаса қўйдин бохабар,
Бўридин етар анга ҳар дам зарар.

ПОШШОХЎЖА

Аҳмоқлик тарбиясизлик туфайли кишининг табиатига ўрнаб олган иллатлардан биридир. У мустаҳкамланиб олгач, ҳеч бир ҳийла ёки даво билан йўқотиб бўлмайди. Байт:

Барча иллат учун даво муҳайё,
Аҳмоқлик иллати аммо бедаво!

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Илонни киши тутса сар кўфта,
Балодин қилур ўз йўлин рўфта.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан қуйидаги ёзувни топибдилар: «Энг аҳмоқ киши шундай кишики, топган емишини тўхтатмай оғзига солаверади. Ваҳоланки, табобатда ўртача ейиш саломатлик гарови!» Байт:

Танпарварлик бўлса доим хаёлинг,
Қачон сенга кулиб боқади иқбол?
Гар гадосан, гарчи шоҳнинг лашкари,
Нафсинг орзусини йўқотгил дарҳол.
Дунёдан умидинг бор экан тезда,
Ҳавас қонин тўкиб айлагин беҳол.
Қаноатни бойлик деб бил ўзингга,
Шунда бахтинг кулиб, топасан иқбол!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Кўр ўз айбунг,азиндин изламагил,
Киши айбин қатиғлан кўзламагил.

ҚУТБ

Ўзига ўзи мафтун бўлиш аҳмоқликдир.

Аҳмоқ одамдан аччиқланмоқ ўлик устида ашула айтмоқ билан тенг.

Аҳмоқ амалдан тез қулайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Собир Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежининг Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан берилган думалоқ гербли муҳри йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ «ҚУШБЕГИ» МАҲАЛЛАСИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИ НАФАҚАТ УШБУ МАҲАЛЛА, БАЛКИ ТУМАН АҲОЛИСИ УЧУН ҲАМ АЖОЙИБ БАЙРАМ ТУҲФАСИ БЎЛДИ.





Болалар спорти

АЖОЙИБ ТУҲФА

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, «Қушбеги» маҳалласида жойлашган 45 та кўп қаватли уйларда 10 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, шулардан 4200 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг жисмонан соғлом бўлишларида албатта спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам кунига 500 нафарга яқин ўғил-қизни қабул қилиш имконияти яратилган янги спорт мажмуаси болажонларнинг спорт билан шуғулланиб, саломатликларини тиклашларида муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, ушбу спорт мажмуасининг очилиш маросими тантанали нишонланди. Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Яккасарой тумани ҳокими В.Муллажоновлар уни бунёд этган қурувчилар меҳнатини алоҳида таъкидлаган ҳолда, ушбу масканда спортнинг ўзига ёққан турлари билан шуғулланган фарзандларимиз келгусида юртимиз шарафини ҳимоя қилишда муносиб ўрин эгаллашига тилак билдиришди.

Янги спорт мажмуасида болаларнинг волейбол, баскетбол, гандбол, бадиий гимнастика, кўл тўпи, мини-футбол, стол тенниси ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар ҳозирланган. Уни бунёд этиш учун Тошкент шаҳар ва Яккасарой тумани ҳокимликлари, республика Халқ таълим вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва ҳомийлар томонидан 629 миллион сўм маблағ сарфланди.

Наврўз шукуҳи дилларга ҳукмронлик қилаётган айни паллада ушбу ажойиб совға нафақат болаларни, балки ота-оналарни ҳам мамнун этди.

СУРАТЛАРДА: янги болалар спорт мажмуасининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

Футбол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ЎТГАН КУНИ ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 3-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ЛОКОМОТИВ» ВА «ТРАКТОР» ЖАМОАЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Ўз майдонида «Шўртан» жамоасини қабул қилган «Локомотив» футболчилари мухлислари кўнглини шод этишди. Меҳмонлар дарвозаси олдида кўп марта хавфли вазиятларни вужудга келтирган мезбонлар 82-дақиқада гол уришга муваффақ бўлишди. Мухлисларга қувончли лаҳзани ҳадя этган ягона голни Идиатуллин дарвозага йўллади.

Сафарда «Андижон» билан куч синашган Вадим Абрамов етакчилигидаги «Трактор» жамоаси футболчилари уюшқоқ, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Ушбу ўйинда мухлислар 5 та голнинг гувоҳига айланишди. Муросасиз курашларга бой беллашув 3:2 ҳисобида тошкентликлар ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга тўпларни «Андижон»дан Ҳамидуллаев (2 та), «Трактор»дан Соломин, Мўминжонов (2 та) киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Металлург» — 3:2, «Сўғдиёна» — «Тўпаланг» — 0:0, «Хоразм» — «Навбаҳор» — 0:5, «Қизилқум» — «Самарқанд- Динамо» — 2:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжим башорати

ИЖОДГА РУҲЛАНТИРУВЧИ КУН

29 МАРТ, ЧОРШАНБА

БУГУН ЭСКИ ОЙ ТУГАБ, ЯНГИ ОЙ ЧИҚАДИГАН КУН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БУГУНГИ КУННИ ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛАДИГАН, ЯЪНИ ИШЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛИБ, ЯНГИЛАРИНИ БОШЛАШГА КИРИШИШНИНГ АЙНИ ПАЙТИ БЎЛАДИ.

Янги ғоялар, таклифлар янграйди ва улар ижодкорлик, ғайриоддийлик сари интилишга ундайди. Ёшлар учун ҳар бир кун шундай ўтади. Тажрибали, анча-мунча етук инсонлар эҳтимол тутилган истиқболлар ҳақида жиддий ўйлаб кўришса ёмон бўлмайди.

Бугун қарзларни узиш, ўзингизни ҳафа қилганларни кечириш, гуноҳларингиздан тавба қилиш ўринли бўлади. Хайр-садақа қилиш,совғалар тарқатиш, қушлар ва бошқа жониворларни тўйдириш ҳам эзгуликка йўллайди.

Мабодо, бугун соатингиз тўхтаб қолса – бу бахтли ўзгаришларга далолатдир. Лекин соатингиз тушиб кетиб, синса – бу нохушликлардан огоҳлантириш ҳисобланади. Ялтироқ тошни топиб олиш хурсандчилик ва омадга ишора, ойна ёки идиштовоқнинг синиши эса, жанжал ва надоматлардан хабардор қилишга киради.

Бу кеча умуман туш кўрмаган маъқул. Лекин тушингизда кўзгу ёки ундаги ўз аксингиз намоён бўлса, буни покланиш ва ўзгаришлар аломати сифатида қабул қилинг.

Бош мия, асаб тизими ва кўриш аъзолари бугун кўпроқ хасталикларга мойил бўлади. Ҳидларга аллергик реакция ўзини намоён этиши мумкин.

Яхшиси, бошдан-оёқ ёрқин рангли кийимларни кийишга ҳаракат қилинг. Яшил, кўк ва юлғун рангли либосларингиз бугунги кунга кўпроқ ярашади.

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

"БЕЛТЕПА" БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИДА ТАРБИЯСИ ОҒИР, ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАР ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман бўлими, "Маҳалла умидлари" маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада ёшлар спортнинг стол тенниси, шахмот, шашка турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

–Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни жиноятчилик ва диний экстремизм ғоялари таъсиридан асрашдан иборат,– деди "Маҳалла умидлари" маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева.

Ғолиблар мусобақанинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

"Туркистон-пресс"

КУНИ КЕЧА «ЁШЛИК» ШАҲАРЧАСИНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА «ҲАЁТ УЧУН ИНТИЛИШ: СИЛДАН ХОЛИ БЎЛГАН ДУНЁ УЧУН» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманлар

ҲАЁТ УЧУН ИНТИЛИШ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика «Саломатлик» институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда Ёшлар «Маънавият ва маърифат маркази» ҳамкорликда ўтказдилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига мувофиқ ҳозирги вақтда бутун дунёда ҳар йили 10 миллион киши сил билан касалланади, ҳамда 3 миллион киши сил туфайли дунёдан кўз юмади. Шулардан 300 минг нафари болалар ва 1 миллион нафари аёллардир. Бу касалликнинг ўзига хос хусусияти шундаки у ўсмирлар ва ёшлар, фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларни кўпроқ зарарламоқда, беморларнинг 30 фоизи 15-50 ёшларга тўғри келади.

— Тошкент шаҳрида, — дейди Республика «Саломатлик» институти директорининг ўринбосари Ирина Горбунова, — 2004 йилдан бошлаб барча туманларда ДОТС дастури бўйича сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. Бу анжуманни ўтказишдан мақсад ҳам ёшларга касаллик ҳақида кўпроқ маълумот бериш, ўзларининг соғликларига бефарқ бўлмасликларига эътиборларини қаратишдир.

Шунингдек, йиғилишда Республика Пульмонология ва фтизиатрия илмий тадқиқот институти директори, академик Абдулла Убайдуллаев, Тошкент шаҳар бош фтизиатори, шаҳар сил касалликлари диспансери бош шифокори Ҳурсаной Исматуллаева сўзга чиқиб сил касаллиги, унинг зарарли оқибатлари, юқиш сабаблари ва олдини олиш чоралари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Мазкур тадбирда иштирок этган талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Мирзо Улуғбек туманида, 1984 йилда туғилган, тайинли бирон иш билан шуғулланмайдиган Андижон шаҳрида яшовчи Олим ва 1989 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида яшовчи Володялар калит танлаш йўли билан, таниши Мирзо Улуғбек туманида яшовчи фуқаро Толиповнинг уйидан 140.000 сўмлик "Самсунг" микротўлқинли печини ва 3 дона теннис ракеткасини ўғирлаб кетишган. Жабрланувчининг етказган маълумотидан сўнг, Жиноят қидирув ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида, ушбу ўғирликни содир қилган шахслар далиллар билан қўлга олинди.

● Мирзо Улуғбек туманида, 1981 йилда туғилган, бирон жойда ишламайдиган, Сурхондарё вилоятида яшовчи Сергей калит танлаш йўли билан тадбиркор Алиевнинг уйидан 400.000 сўмлик "Штачи" кўл телефонини ўғирлаб кетган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, Жиноят қидирув ходимлари томонидан у далилий ашё билан ушланди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Шайхонтоҳур туманининг "Чорсу" бозорида, 1973 йилда туғилган, тайинли бирон ишнинг бошини тутмаган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи Йўлдош исмли шахс нафақахўр— Тошкент вилоятида яшовчи Имомовнинг эгнидаги курткасининг чўнтагидан 90.000 сўмлик "Нокия-3310" уяли телефон аппаратини ўғирлаб кетаётган вақтида шу ерда хизматни олиб бораётган Жиноят қидирув ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

● Шайхонтоҳур туманида, ҳеч қаерда ишламайдиган, судланган, Тошкент шаҳрида яшовчи Умар ҳамда ишламайдиган, судланган Азамат исмли шахслар калит танлаш йўли билан, Жиззах вилоятида яшовчи фуқаро Виктор Кимга тегишли бўлган "Тико" русумли автомашинанинг ичидан автомагнитоласи ва карнайларини ечиб олиб, ўғирлик қилаётган вақтида, жабрланувчи ва унинг ёрдамчиси томонидан жиноят устида далилий ашё билан қўлга тушиб, дарҳол ички ишлар идораларига топширилди. Ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА, майор
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот бошқармаси катта инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки
2006 йил 17 мартдан 2 апрелгача
Илк бор Тошкент цирки манежида

«КРЕМЛЬ ЮЛДУЗЛАРИ» дастури

Дастурдан ўргатилган типратиканлар, жайралар иштирокидаги томошалар, Россия халқ артисти Виктор Шемшура раҳбарлиги остида узун таёққа ўрнашган ҳолда ҳавода айланувчи айиқлар иштироки ўрин олган.

Томошалар: иш кунлари — соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 да бошланади.

Томошалар жадвалида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

● «Ўғлим, менинг дарди-фикрим битта бошингни иккита қилиш».

(Онанинг гапи)

● «Сепкил Мажид анчадан бери чўнтакка тушар эди, энди қўлга тушибди».

(Чойхонадаги гапдан)

● «Жавлон, уйга оёғинг билан кирма!»

(Онанинг гапи)

● «Икки соат унналиб мотоциклни ёқдим».

(Ҳайдовчининг гапи)

● «Мен улфатларим билан ўттиз йилдан бери гап ейман»

(Дўстлар суҳбатидан)

● «Дадажониси, бу пулни тишимнинг ковагида асраган эдим».

(Хотиннинг эрига дегани)

● «Мени қўпол гапиришга ўзинг мажбур қилдинг, шу гапни ёниб турганимда айтасанми?».

(Дўстлар суҳбатидан)

● «Ойижон, акамни қўй оғзидан чўп олмаган бола, дединг. Қўйнинг тишига чўп кириб қолибдими?»

(Тойчоқнинг гапидан)

● «Онажониси, менга осон тутма, носни хумор босдига эмас, грипп юқмаслиги учун чекаман».

(Отанинг баҳонаси)

● «Синфингиздаги Акмалга кўз-қулоқ бўлинг».

(Директорнинг гапидан)

● «Ёввойи одамлар истеъмол қиладиган олма ёввойи олма дейилади».

(Отанинг ўғлига жавоби)

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ



— Нариги уйга чиқиб ичақолайлик, хотининг келиб қолса тўтинг сотиб қўяди!

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4147 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6